

Ж.С.Мирзахмедов,
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистранти

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Мақолада миллий иқтисодиётни ривожланишида инвестицияларнинг ўрни, уларни молиялаштиришда лизинг усулининг ўзига хос жиҳатлари, лизингнинг назарий асослари, лизинг операцияларида тижорат банкларининг иштироки, мамлакатимизда амалга оширилаётган лизинг битимлари динамикаси ўрганилган ва тегишли хуносалар келтирилган.

Калит сўзлар: Инвестициялар, инвестицияларни молиялаштириш, лизинг, молиявий лизинг, оператив лизинг, хусусий мулк, кичик бизнес.

Аннотация: В статье изучены роль инвестиций в развитии национальной экономики, особенности лизинговый метода их финансирования, теоретические основы лизинга, участие коммерческих банков в лизинговых операциях, динамика лизинговых операций осуществляемых в стране и приведено соответствующие выводы.

Ключевые слова: Инвестиции, инвестиционное финансирование, лизинг, финансовый лизинг, оперативный лизинг, частная собственность, малый бизнес.

Abstract: In the article is studied the role of investment in the development of the national economy, features of the leasing method of their financing, theoretical basis of leasing, the participation of commercial banks in leasing operations, dynamics of leasing operations carried out in the country and are given the corresponding conclusions.

Key words: Investments, investment financing, leasing, financial leasing, operational leasing, private property, small business.

Кириш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг лизинг усулидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Зоро, лизинг дунёнинг барча мамлакатларида кенг қўлламда қўлланилаётган энг самарали молиявий хизмат турларидан бири ҳисобланади. Охирги 15 йил давомида ривожланган мамлакатларда лизинг операцияларининг умумий ҳажми 10 марта ошганлиги кузатилди. Бу эса лизинг дунёдаги барча мамлакатлар иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаганлигини ва бугунги кунда ҳам ушбу молиявий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинаётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида бизнес операцияси турларидан бири – лизинг (молиявий ижара)дан кенг фойдаланилмоқда. Бунда машина ва ускуналар ёки умумий асосий воситалар миллий мажмуини жаҳон стандартлари

даражасидаги янги техника билан таъминлашда маблағ ажрататган молия институтлари, шу жумладан, тижорат банклари муҳим ўрин эгаллайди. Иқтисодиётдаги хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, кичик ва хусусий бизнес эгалари ҳар доим ҳам кредит олиш имкониятига тўла эга бўлавермайди. Шу сабабли, ноанъанавий молиявий воситалардан бири бўлган лизинг хизмати юзага келди. Ушбу хизмат тури ҳам мижозлар, ҳам тижорат банклари учун бир мунча маъқул бўлганлиги сабабли кенг ривожлана бошлади. Бундай операцияларнинг ривожланиши туфайли тижорат банклари ва лизинг компанияларида амалга оширилаётган лизинг амалиётини янада такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

Банк, суғурта, лизинг, консалтинг ва бошқа турдаги бозор хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланмоқда, улар хусусий сектор ва кичик бизнес ривожига хизмат қилимоқда, ўз навбатида, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лизинг кредитининг муҳим аҳамият касб этишини англатади.

Хўжалик субъектлари учун тижорат банклари томонидан бажарилаётган лизинг операциялари инвестицияларни молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларидан бири бўлиб, унда ижара муносабатлари, гаров остидаги кредитли молиялаштириш элементлари, қарзий мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқа молиявий механизмлар мужассамлашган.

Ҳозирги кундаги лизинг ишлаб чиқаришни молиялаштириш бўйича банкларнинг ишбилармонлар доираси билан ўзаро муносабатларининг тарихий таркиб топган шакл ва услубларини инкор этмасдан, аксинча, уларни тўлдиради ва бойитади.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда (АҚШ, Япония, Германия, Англия ва бошқ.) лизинг ҳозирги пайтда молиялаштиришнинг энг муҳим ва мақбул усулларидан бирига айланиб улгурган. Айниқса, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини жадаллаштиришни таъминлашда лизинг операцияларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Лизинг тадбиркорликда янги, тобора кучли қизиқтирувчи омилларни вужудга келтиради. У ташаббускорлик ва тадбиркорлик учун, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратади. Лизинг операциялари замонавий ишбилармонлик фаолиятига тобора фаол кириб бормоқда. Жаҳон амалиётида лизинг бизнесининг барқарорлиги кўп жиҳатдан банк сектори билан боғланмоқда.

Лизинг операцияларининг тижорат банклари орқали амалга оширилиши мижозлар ва банклар учун бир қатор муҳим афзалликларга эга. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лизинг операцияларининг кундан-кунга ривож топиб бориши, ўз навбатида, унинг ўзига хос афзалликларини ва камчиликларини чукур таҳлил қилиш, лизингдан фойдаланиш ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асосан лизинг шаклида молиялаштирилишга асосланган қишлоқ хўжалигини машинасозлиги тизими ҳақида танқидий фикр билдириб, қуидагиларни таъкидладилар: “Бутун қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизимини тубдан қайта қуриш таъминланмаган. Бу тизим ўз моҳиятига кўра нафакат қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва фермер хўжаликлари меҳнатини енгиллаштиришнинг мустаҳкам пойдевори, айни вақтда мамлакатимиз валюта балансини тўлдириш бўйича кафолатланган манба бўлиши керак эди¹”.

Лизинг ғояси жамиятга кўп асрлардан буён яхши маълум, ваҳоланки, «лизинг» (lease) атамаси у пайтларда ҳозиргидек маънони англатмасди. Лизинг битимлари моҳиятининг очилиши узоқ давларга, айтайлик, Аристотел замонасига (эрэмиздан аввалги 384-322 й.й.) тўғри келган. Айнан Аристотел: «Бойлик мулкка эгалик қилишда эмас, балки ундан фойдаланишдадир», деган ғояни ўзининг «Нотиқлик санъати» («Риторика») асари бобларидан бирига сарлавҳа қилиб олган эди. Бу асарда у фойда олиш учун бирон-бир мулкка эгалик қилиш жуда ҳам шарт эмас, факат ундан фойдаланиш хуқуқига эга бўлиш ва самарали фойдаланишнинг кифоя қилиниши асослаб берилади.

Иқтисодчи-олимлар орасида “лизинг – ижара ҳақидаги оддий кенгайтирилган битим ёки ижаранинг бутун муддати мобайнида ижарага оловчининг мулкка эгалик хуқуқи сақланган ижара шартномаси” ёки “Лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури”, деб ҳисобловчилар ҳам мавжуд.

Чет эл иқтисодий адабиётларида лизингнинг бошқача таърифлари ҳам учрайди. Баъзи иқтисодчилар лизингни кўчар ва кўчмас мулкни узоқ муддатга фойдаланиш хуқуқини берувчи молиявий операция тури, деб ҳисоблайдилар.

Иқтисодий адабиётларда мулкни хусусий қилиб сотиб олиш ва кейинчалик маълум тўлов асосида вақтинча фойдаланишга бериш туфайли юзага келувчи мулкий муносабатлар лизинг деб аталади, деган фикрлар ҳам учрайди. Бунинг оқибатида лизингнинг мазмuni ва моҳияти назарияда ҳам, амалиётда ҳам турлича талқин этилмоқда.

Айрим манбаларда лизинг вақтинча бўш турган ёки жалб этилган маблағни инвестициялашга йўналтирилган тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида тури, деб таърифланади, бунда молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича битта шахс битимда келишилган мулкни маълум сотувчидан хусусий мулк қилиб олиш мажбуриятини олади ва тадбиркорлик мақсадида вақтинча фойдаланиш учун бу мулкни бошқа шахсга бериб туради.

Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунига кўра, лизинг тушунчасига қуидагича таъриф берилган; «Лизинг (молиявий ижара) ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг оловчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг обьектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган

¹<https://agroexpouzbekistan.com/ru/exhibition-news>

шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради».

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг асосий мақсади мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида реал сектор корхоналарига инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лизинг шаклидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат. Тадқиқот жараённида таққослаш, гурухлаш ва иқтисодийстатистик усулларидан кенг фойдаланилди. Тадқиқот натижасида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиялаштиришнинг лизинг механизмларини такомиллаштиришга оид хulosалар қилиниб, илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди. Инвестиция лойиҳаларини лизинг шакли орқали молиялаштириш миллий иқтисодиёт корхоналари ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, техник-технологик янгилаш ҳамда маҳсулот сифатини яхшилаш каби муҳим қўрсаткичлар омили ва манбаи эканлигига баҳо берилди. Ишлаб чиқилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан мамлакатимизда олиб борилаётган инвестиция сиёсатини ташкил этиш ва реал сектор корхоналарини модернизация қилишда уларни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

Тахлил ва натижалар

Бугунги кунда мамлакатимизда лизинг бозорини ривожлантиришнинг келгусидаги вазифалари ва устувор йўналишлари белгилаб олинди.

2021 йил якуни бўйича республика лизинг хизматлари бозорида 40 нафар лизинг берувчи лизинг фаолияти билан фаол шуғулланган бўлиб, улардан 16 таси банклар ҳисобланади. Ҳисобот даврида лизинг амалиётларининг умумий портфели 5 трлн. 833 млрд.сўмни ташкил этди. Ҳисобот даврида лизинг берувчилар томонидан 7193 та янги лизинг битими тузилиб, уларнинг ҳажми 2 трлн. 593 млрд.сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40 фоизга ёки 740,7 млрд.сўмга кўпдир².

Йил якунларига кўра, лизингга берилган обьектлар орасида қишлоқ хўжалиги техникаси етакчи ўринни эгаллаб, унинг улуши лизинг битимларининг умумий таркибида 26,9 фоизни ташкил қилди. Иккинчи ўринни автомототранспорт воситалари эгаллаб, уларнинг улуши 26,4 фоизни, технологик жиҳозлар улуши 22,5 фоизга яқинни ташкил этди. Қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналар лизингига оид битимлар ҳажми ҳам салмоқли – 21,8%. Ўз навбатида, кўчмас мулк лизинги қўрсаткичлари ҳамон паст даражада бўлиб, атиги 2,3 фоизни ташкил этган.

Кўриб чиқилаётган даврда лизинг компаниялари орасида “O'zagrolizing” (632,7 млрд. сўм), “Uzbek Leasing International A.O.” АЖ ҚҚ (344,5 млрд. сўм), “Fincom Leasing Group” (267,6 млрд. сўм), “Nano Lizing Kompaniyasi” МЧЖ

² <https://uzbekleasing.uz/upload/iblock/0f9/>

(264,2 млрд. сўм) ва “Kamaz Asia Leasing” МЧЖ ҚК (202,4 млрд. сўм) бозорнинг энг йирик иштирокчилари бўлишди.

Банклар орасида “Sanoat Qurilish Bank” АТБ (342,7 млрд. сўм), АТБ “Invest Finance Bank” (54,9 млрд. сўм), “Invest Finance Bank” АТБ (21,3 млрд. сўм), “Ipak Yo’li” АИТБ (16,6 млрд. сўм) ва “Turkiston” ХАТБ (15,9 млрд. сўм) ҳисобот давридаги энг йирик лизинг берувчилар ҳисобланади.

2021 йил давомида амалга оширилган янги лизинг операциялари бўйича Тошкент шаҳри вилоятлар орасида энг катта улушни эгаллади – 38,2%, иккинчи ва учинчи ўринларни мос равишда 6,6% ва 6,3% улуш билан Тошкент вилояти ва Фарғона вилояти банд этган.

1-жадвал

SWOT-таҳлил (кучли ва заиф томонлар, имкониятлар ва таҳдидлар таҳлили)

КУЧЛИ ТОМОНЛАР	ЗАИФ ТОМОНЛАР
<ul style="list-style-type: none">Лизинг бозорида яхши обрў ва доимий мижозларнинг катта базаси билан лизинг бозоридаги иш тажрибасиХусусий лизинг фирмалари орасида йирик ўз капиталиҲамкорлар ва мижозлар билан шаффоффикнинг юқори даражаси, шунингдек халқаро молия институтлари ва етказиб берувчилар билан ажойиб кредит тарихиЮқори мотивацияланган ва яхши маълумотга эга ёш мутахассислар	<ul style="list-style-type: none">Фойдаланиш харажатларининг оширилишиЖараёнларнинг етарлича автоматлаштирилмаганлигиРақобатчиларни мунтазам сканерлаш ва бозорни таҳлил қилишнинг йўқлигиБизнесни реал вақт режимида мониторинг қилиш имкониятини таъминлаш учун ички жараёнларни ва ахборот оқимини яхшилаш зарурати.
ИМКОНИЯТЛАР	ТАҲДИДЛАР
<ul style="list-style-type: none">Ҳудудлардаги бизнесни, Тошкент вилоятидан ташқарида ривожлантиришЯқин хориж томонидан лизинг хизматларига бўлган юқори талаб, яъни, ашар мамлакат қонунчилиги бу пайтга келиб мақбул ҳолатда бўлса, камида 3-5 йилдан сўнг Компания фаолиятини Марказий Осиё мамлакатларигакенгайтириш имкониятиХорижий инвесторларга йўлнинг очилиши	<ul style="list-style-type: none">Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнеснинг арzon кредитланиши сабабли юзага келадиган рақобат, шунингдек қирик рақобатбардош лизинг компаниялари, йирик тижорат банкларнинг (маҳаллий/хорижий) шўъба компаниялари пайдо бўлишиҚонунчилик/солиқка тортиш тизимининг ўзгариши, бу бизнеснинг ўсишига ва ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкинМолиялаштиришга сарф-харажатларнинг ошишиМиллий валютанинг кескин девальвацияси, бу ижаракиларнинг тўлов қобилияти йўқолишига олиб келиши мумкин

Лизинг бозори кўплаб омилларга дуч келиши боис (жалб қилинган пул маблағларининг қиймати, фойдаланиш, валюта назорати ва мижозлар базаси), ўрта муддатга режалаштириш мақсадларида компанияни микдорий кўрсаткичларга эришишга йўналтириш учун максимал саъй-харакатлар асосида

баҳолаш ва тахмин қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан компаниянинг ривожланиш имкониятлари лизинг соҳасидаги бозор тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда компания эҳтиёжларининг ва мавжуд ресурсларнинг обзори, янги жойлар/рақобатчилар пайдо бўлиши эҳтимоли, валюта ва солиқ қонунчилигидаги эҳтимолий ўзгаришлар, банк тизимининг ривожланиши ва компания ресурс базасининг бошқа манбалари обзори билан прогноз қилинди.

Бозордаги жорий позицияланиш ва прогноз қилинаётган давр учун стратегик мақсадлар тузиш мақсадга мувофиқдир.

«Uzbek Leasing International A.O.» Акциядорлик жамияти (куйида «Компания») Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5 январдаги 6-сонли қарорига мувофиқ ташкил қилинган. Айни пайтда қуидагилар Компания акциядорлари ҳисобланади: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки - 41.56%, Malayan Banking Berhad – Maybank (Малайзия) - 19.70%, «Uzbek-Oman Investment Company» МЧЖ - 38.74%.

Компаниянинг Устав ва тўланган капитали 9 113 588 786 сўмни ташкил қиласди. Компания бозорда Республика тадбиркорларига, шу жумладан халқ хўжилининг турли тармоқлари (металлга ишлов бериш, тоғ-кон, қурилиш, тўқимачилик, фармацевтика, полиграфия, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари ва бошқ.) вакилларига хизмат кўрсатувчи **ирик универсал лизинг компанияси** сифатида позицияланади.

Халқаро ҳамкорлик соҳасида Компания ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади, у халқ хўжалигининг стратегик тармоқларини ривожлантириш учун тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишга кўмаклашади.

Компания юқори малакали мутахассислар томонидан сифатли лизинг хизматларини кўрсатиш орқали Ўзбекистон Республикасида тадбиркорларнинг замонавий технологияларни жорий этишга, бизнес-жараёнларни модернизациялашга, фойдани оширишга, янги иш ўринларини яратишга, халқ истеъмоли моллари ва хизматларини ишлаб чиқаришни оширишга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун ташкил қилинган.

“Uzbek Leasing International A.O.” АЖ қуидагиларга интилади:

1) Портфель ҳажми бўйича Ўзбекистон Республикасининг топ-5 хусусий лизинг берувчилари сафидан ўрин олиш.

2) Ўз капиталининг рентабеллигини йилига камида 20% миқдорида таъминлаш.

3) Кичик ва ўрта корхоналар учун энг яхши хусусий лизинг компаниясига айланиш.

4) Ўзбекистон Республикасида валюта лизинги бўйича сўзсиз етакчига айланиш.

Компания қандай қилиб ўз мақсадларига эришади

- 1) Мижозларда садоқатни яратиш ва бренднинг эсда қолиши даражасини ошириш.
- 2) Аъло даражадаги халқаро ҳолат ва муносабатларни ўрнатиш.
- 3) Корпоратив бошқарувни яхшилаш.
- 4) Хатарларни бошқариш имкониятларини кучайтириш ҳисобидан активларнинг юқори сифатини ушлаб туриш.
- 5) Кадрлар захирасини ривожлантириш.
- 6) Бизнеснинг бўлғуси ўсиши ва жараёнлар қайта ташкиллаштирилиши учун технологиялардан фойдаланиш.

2-жадвал

“Uzbek Leasing International A.O.” АЖНИНГ 2021 МОЛИЯВИЙ ЙИЛ – 2025 МОЛИЯВИЙ ЙИЛ УЧУН МОЛИЯВИЙ ПРОГНОЗИ МЛН. СҮМДА

Ўзбек сўмининг АҚШ долларига нисбатан курси	11 849	13 389	14 996	16 646	18 310
	Смета бўйича		Прогноз бўйича		
	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
Акциядорларнинг ўз капитали	138 180	152 599	172 041	195 247	223 085
Карз мажбуриятлари	429 406	519 994	603 449	704 370	827 108
Молиявий лизинг бўйича дебиторлик қарздорлиги	537 243	672 593	775 490	899 617	1050 194
Жами активлар	567 587	703 149	810 721	940 487	1097 904
Фоиздаги даромад	105 956	129 061	148 805	172 623	201 517
Фоиздаги харажатлар – қарзлар	-53 733	-54 862	-63 667	-74 315	-87 264
Операцион харажатлар	-20 475	-28 821	-30 998	-33 370	-36 940
Профиль бўлмаган фаолиятдан олинган бошқа даромад/зарар	1 109	2 575	2 970	3 445	4 021
(Захира) / кредит зарари остига захирани чиқариш	914	-1 669	-1 865	-2 111	-2 717
Солиқ чиқариб ташланмасидан олдинги фойда	33 771	46 284	55 244	66 272	78 617
Фойда солиги	-4 933	-7 400	-8 832	-10 596	-12 569
Соф фойда	28 838	38 884	46 412	55 677	66 047
Ўз капиталининг рентабеллик коэффициенти	20,87%	25,48%	26,98%	28,52%	29,61%
Жами Акциядорларнинг Ўз капитали	138 180	152 599	172 041	195 247	223 085

Аризалар портфели мавжудлигидан ва лизинг хизматларига прогноз қилинаётган талабдан келиб чиқсан ҳолда, Компания ўзининг молиявий ресурслари ҳисобидан ва чет эл молия ташкилотларининг маблағларини жалб қилиш орқали лизинг амалиётларини ҳам миллий валютада, ҳам чет эл валютасида амалга оширишни давом эттиришни режалаштироқда.

Хулоса ва тклифлар

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, лизинг бир вақтнинг ўзида молиялаш ва янги технологияларни харид қилиш масалаларини ҳал этиш, айланма маблағларни тўлдириш ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун маблағларни озод қилиш имконини берувчи ноанъанавий молиявий воситалардан биридир. Ўзбекистонда лизинг муносабатларининг ҳуқуқий негизи ва қишлоқ хўжалиги техника таъминотида молиявий лизинг механизми яратилган. Барча лизинг субъектларига тенг имтиёзларни, даромадларни солиқقا тортиш негизини аниқ белгилаш ҳамда амортизацион фонд яратишни такомиллаштириш лизинг иқтисодий самарадорлигини оширади ва товар ишлаб чиқаришга йўналтирилган молиявий ресурслар оқимини жадаллашувига олиб келади. Келгусида мамлакат лизинг бозори фаол тарзда ўсиши кутилмоқда. Бунга муайяян даражада янги тасдиқланган “Янги Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегияси”ни амалга ошириш ҳам кўмаклашади. Ушбу стратегия, энг аввало, инновацион технологияларни жорий этишни, ишлаб чиқариш ва умуман иқтисодиётни модернизациялашни кўзда тутади.

Бунда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштиришга қаратилган ва Ўзбекистон учун мутлақо янги бўлган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи саноат ишлаб чиқаришининг деярли барча йўналишлари ва тармоқларини ривожлантириш дастури асос сифатида хизмат қиласи.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг лизинг каби муқобил механизмлари фаолиятини рағбатлантирувчи қонунларни такомиллаштиришни давом эттириш жоиз.

Таклиф ва тавсия сифатида:

– лизинг компаниялари ва тижорат банкларини лизинг бозоридаги иштирокини соғлом ракобат муҳити асосида ташкил этиш ҳамда уларнинг бозордаги улушини мувофиқлаштириш учун ҳукумат томонидан келгуси давр учун ҳар икки лизинг бозори субъектларига ҳуқуқий асос яратган ҳолда маълум бир миқдордаги қийматда лизинг операциясини амалга ошириш режасини қўйиш мақсадга мувофиқ;

– тижорат банклари томонидан лизинг операцияларини амалга ошириш ҳамда қўйилган талабни бажариш имкониятини яратиш учун ҳар бир тижорат банклари ўзининг кредит ресурсларидан маълум бир белгиланган миқдорини лизинг бозорига йўналтириши зарур;

– лизинг хизматлари бозорида тижорат банкларининг фаоллигини ошириш учун маҳсус мақсадли лизинг жамғармалари ташкил этиш ва лизинг жараёнида солиқ имтиёzlари ҳамда преференциялар жорий этиш лозим;

– лизинг бозорини ривожланиш истиқболларини белгилашда ҳудудлар миқёсида лизинг жараёнлари мониторингини чуқур таҳлил қилган ҳолда муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ечимини ҳисобга олиб стратегик дастурлар тузиш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 14 апрел 1999 йил.
2. Ричард Брейли, Стюарт Майерс. Принципы корпоративных финансов. Пер. с англ. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2020. – Стр. 715-732.
3. Казимагамедова А.А., Гаджиев А.А. Деньги, кредит, банки: Учебник. - М.: «Экзамен», 2017. - С. 232-233.
4. Жуков Е.Ф. Банки и банковские операции. Учебник для ВУЗов. - М.: «ЮНИТИ», 2017. - С. 88.
5. Маматов Б.С. ва бошқ. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. Тошкент Молия институти. – Т.: «Иқтисод-молия», 2013. 550-бет.
6. Ўзбекистон лизинг хизматлари секторининг таҳлили. 2021 йил яқунлари бўйича. “Ўзбекистон Лизинг Берувчилар Уюшмаси”. – Тошкент: 2022. 2-4бетлар.
7. <https://uzbekleasing.uz/upload/iblock/0f9/>